



## КОРРУПЦИЯ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАР ТУШУНЧАСИ ВА ТУРЛАРИГА ОИД ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ҚАРАШЛАР ТАҲЛИЛИ

**Амонов Феруз Салимович**

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети  
мустақил изланувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7329174>

### ARTICLE INFO

Received: 04<sup>th</sup> November 2022

Accepted: 15<sup>th</sup> November 2022

Online: 16<sup>th</sup> November 2022

### KEY WORDS

Коррупция, коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар, мансабдор шахс, порахўрлик.

### ABSTRACT

Жамиятда адолат ва қонун устуворлигини сўзсиз таъминлаш каби юксак ғояларга таянилган ҳолда олиб борилаётган бўлса-да, афсуски, бу йўлдаги ислохотлар натижадорлигига салбий таъсир кўрсатаётган, тараққиётга тўсиқ бўлаётган бир қатор омиллар, иллатлар сақланиб қолмоқда. Мақолада коррупция билан боғлиқ жиноятлар тушунчаси ва таснифи халқаро ҳужжатлар асосида ёритиб берилган.

"Коррупция - бу давлат секторининг мансабдор шасхлари, давлат хизматчилари ва сиёсатчиларнинг уларга берилган давлат ваколатларини суиистеъмол қилиши натижасида уларнинг ўзларининг ёки яқинларининг ҳуқуққа хилоф ва ноқонуний бойиши билан боғлиқ ҳаракатлари".

"Transparency International" халқаро нодавлат нотижорат ташкилотининг таърифи[1].

Коррупция жаҳоннинг глобал муаммоларидан бири бўлиб, деярли барча мамлакатларда мавжуддир. Бугунги кунда ҳам коррупция жиноятлари қонун устуворлиги, инсон ҳуқуқлари тамойилларига, ижтимоий ва иқтисодий ривожланишга жиддий хавф солаётган таҳдидлардан ҳисобланади.

XX аср бошларига қадар коррупциянинг келиб чиқиш сабаблари ва жамиятга таъсирини ўрганиш ва қарши курашишга бўлган илмий

тадқиқотларга деярли учрамайди. Илмий изланишлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, асосан, XX асрнинг 70-80 йилларидан бошланган бўлиб, халқаро, минтақавий ва миллий даражада ўз аксини топган.

Transparency International Corruption Perceptions Index (CPI) 2014 йил эълон қилган маълумотда Ўзбекистон коррупциялашган давлатлар рўйхатида 185та мамлакатдан 166-ўринни эгаллаган. Минтақада эса Туркменистондан кейин, иккинчи ўринда эътироф этилган. Орадан икки йил ўтиб, давлат коррупция рейтингида 10 поғона юқорилади, аммо 2017 йилда Ўзбекистон 157та ўринда, 2018 йилда 158-ўринда эътироф этилди[2]. Шунга қарамасдан алоҳида таъкидлаш жоизки, юртбошимизнинг фаол ташаббуслари туфайли мамлакатда барча соҳаларда олиб борилаётган ислохотлар натижасида 2019 йил хулосаларига кўра



Ўзбекистон 153-ўринга, 2020 йилда 146-ўринга ва 2021 йилда 140-ўринга[3] кўтарилишга эришган бўлса-да, бу иллат ҳали барҳам топмаган. Зеро, мамлакатнинг янгиланган сиёсати инсон кадр-қимматини олий даражага кўтариш, жамиятда адолат ва қонун устуворлигини сўзсиз таъминлаш каби юксак ғояларга таянилган ҳолда олиб борилаётган бўлса-да, афсуски, бу йўлдаги ислохотлар натижадорлигига салбий таъсир кўрсатаётган, тараққиётга тўсиқ бўлаётган бир қатор омиллар, иллатлар сақланиб қолмоқда. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг маълумотларига кўра[4], 2018 йилда 1 907 нафар мансабдор шахс турли кўринишдаги мансабдорлик жиноятлари учун жиноий жавобгарликка тортилган. Жинояти фош қилинган мансабдорларнинг 48 нафарини республика миқёсидаги вазирликлар ва идоралар, 191 нафарини вилоят ҳамда 1 668 нафарини туман (шаҳар) даражасидаги идоралар вакиллари ташкил этади. Ҳуқуқий адабиётларда коррупцион жиноятлар, уларнинг ҳуқуқий тавсифи ва таснифи, "коррупция", "коррупцион ҳуқуқбузарликлар" ва "коррупцион жиноятлар" тушунчалари, шунингдек, коррупцион жиноятчиликнинг криминалогик хусусиятларининг индивидуал элементларини таҳлил қилиш билан боғлиқ тортишувли масалалар мавжуд. Ушбу таърифни аниқлаштириш учун унинг таркибий қисмларининг мазмунини ва моҳиятини ёритиб бериш керак. "Коррупция" атамаси лотинча «corruptio» сўзидан таржима қилинганда "порахўрлик", "бузиш",

"пасайиш" маъноларида тушунилса[5], илмий адабиётда инглиз тилидаги «corruption» атамаси у бир неча маъноларга эга: 1) коррупция; 2) бузилиш; 3) хато, янглиш, бузилиш; 4) чириш, айниш; 5) зарар; 6) ахлоқсизлик; 7) сотқинлик; 8) бузилиш, йўлдан озиш; 9) чириш, бузилиш[6] кабилар.

Коррупция сўзи адабиётларда турлича талқин қилинади. Унинг ягона тушунчаси йўқ. Ҳатто, халқаро ташкилотларнинг тавсияларида ҳам унга турлича таърифлар берилган.

Халқаро ҳужжатларда биринчи бор коррупция тушунчасига БМТ Бош ассамблеясининг Резолюцияси билан 1979 йил 17 декабрда қабул қилинган "Ҳуқуқий тартиботни сақлаш бўйича мансабдор шахсларнинг хулқ-атвор кодекси"да тўхталинган бўлиб, унда коррупция деганда "... мансабдор шахснинг ҳар қандай шаклдаги мукофот эвазига ўз мансаб ваколатлари доирасида мазкур мукофотни берувчи шахс манфаатларини кўзлаб, лавозим йўриқномаси қоидаларини бузган ҳолда ёки бузмасдан муайян ҳаракатларни бажариши ёки ҳаракатсизлиги"[7] тушунилади дейилган.

БМТ Бош Ассамблеясининг 1990 йил Гаванада коррупция муаммоларига бағишлаб ўтказилган минтақалараро семинарида қабул қилинган Давлат хизматчилари учун халқаро хулқ-атвор кодексида "коррупция бу мансабдор шахсларнинг шахсий ёки гуруҳ манфаатини кўзлаб мансабини суиистеъмол қилиш, шунингдек давлат хизматчилари томонидан ўзлари эгаллаб турган хизмат вазифаларидан ғайриқонуний фойдаланиш кўринишларидир", дейилади. Ушбу таърифда коррупциянинг ўзагини



мансаб ваколатларидан ғайриқонуний фойдаланиш ташкил этиши кўрсатилган.

Европа Кенгаши гуруҳининг коррупция муаммолари бўйича 1995 йил 22-24 февралда Страсбургда ўтказилган биринчи сессиясида “коррупция давлат ёки хусусий тизим мансабдор шахсларини уларнинг мансаб ваколатлари доирасида ўзларининг вазифаларини бузиб бажаришлари учун уларни пора эвазига оғдириб олинишидир”, деб таъриф берилган. Аммо коррупция тушунчаси пора эвазига оғдириш, порахўрлик билангина чекланиб қолмайди, ундан бошқа мансабдорлик жинойтларини ҳам қамраб олади.

БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясида коррупцияга энг қисқа, лекин кенг қамровли таъриф қўйидагича берилган: “Коррупция – бу шахсий наф кўриш мақсадида давлат ҳокимиятини суиистеъмол қилишдир”[8].

Россия Федерацияси 2008 йилнинг 25 декабрь ойида қабул қилинган «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги қонунда коррупция тушунчасига «ўз хизмат лавозимидан фойдаланиб пора олиш ва бериш, мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиш ёхуд жисмоний шахс томонидан жамият ва давлатнинг қонуний манфаатларига зид равишда ўзининг мансаб лавозимидан ноқонуний фойдаланиб ўзи ёки учинчи шахс учун пул, қимматбаҳо нарсалар, бошқа мол-мулк ёки мулкый хусусиятдаги хизматлар, бошқа мулкый ҳуқуқларни олиши ёхуд бошқа жисмоний шахслар томонидан кўрсатилган шахсга бундай

буюмлар ёки нафларни ноқонуний тақдим этиши», деб таъриф берилган.

Ўзбекистон Республикасида эса, коррупция - шахсинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш[9] дея таърифланган.

Юридик адабиётларда коррупция атамасига ҳуқуқшунос олимларнинг берган таърифлари ҳам ранг-баранг. Масалан, А.И.Долгова коррупция тушунчасига “давлат амалдорлари ёки ўзга хизматчилар пора эвазига оғдирилиши ва шу асосда улар ўз хизмат ваколатларидан шахсий ёки муайян гуруҳ манфаатларида фойдаланиши билан тавсифланувчи ижтимоий ҳодиса”[10], деб таъриф берган. Н.Ф.Кузнецова коррупция деганда, давлат аппарати ва нодавлат тузилмаларининг ходимларини пора эвазига оғдиришдан иборат бўлган ижтимоий хавфли ҳодисани тушунади[11]. Қ.Р.Абдурасулова эса, “Коррупция давлат аҳамиятига молик вазифаларни бажараётган ва уларга тенглаштирилган шахслар томонидан ўз хизмат ваколатлари ёки улар билан боғлиқ имкониятлардан фойдаланиб, ғараз мақсадда ёки бошқа шахсий манфаатни кўзлаб содир этилган ижтимоий хавфли қилмишлар (бу қилмишлар учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг тегишли моддаларида назарда тутилган) йиғиндиси”[12] дея таърифлаган.



Коррупция тушунчасининг турли таърифлари бўлишига қарамасдан барча таърифларга хос умумийлик шундаки, коррупция мансаб ваколатини суистеъмол қилиш ёки мансаб мақомидан фойдаланиш билан боғлиқ ҳолатларни ўз ичига олади. Мансаб эса ташкилий-хуқуқий характерга эга бўлиб, бевосита ҳокимиятни амалга ошириш шаклидир.

Ўз-ўзидан коррупция атамаси ва унинг белигиларидан келиб чиқиб коррупцияга оид хуқуқбузарликлар ва коррупцияга оид жиноятларнинг криминалогик тавсифи борасида бир қатор хулосалар қилишимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунда коррупцияга оид хуқуқбузарлик — коррупция аломатларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонун ҳужжатларида жавобгарлик назарда тутилган қилмиш дея таърифланган.

И.Исмоилов ва муаллифлар жамоаси томонидан ёзилган “Коррупцияга оид хуқуқбузарликлар профилактикаси” номли ўқув қўлланмада эса, коррупцияга оид хуқуқбузарликлар деганда эса, давлат органи ваколатини бажарувчи ёки унга тенглаштирилган шахс ўз хизмат лавозимидан ёки давлат органи мақомидан фойдаланиб моддий манфаат ва устунлик олиш учун содир этган хуқуққа хилоф хатти-ҳаракатлар тушунилади[13], деган таъриф мавжуд. Коррупцион жиноятлар - бу фақатгина криминалогик категория сифатида қаралиб, бир қатор ўзаро боғлиқ коррупцион жиноятлар мажмуида ифодаланади[14].

И.И.Карпец эса коррупция жинояти таркибини кашф этишнинг ҳожати

йўқлигини айтиб, “чунки жаҳондаги қонунларнинг бирортасида “коррупция” тушунчаси жиноят таркиби сифатида тилга олинмайди, зеро у жиноят таркибини ташкил этмайди, балки жиноятчилик каби, бошқа кўпгина ижтимоий ҳодисалар каби ижтимоий ҳодисадир”[15], деб ҳисоблайди.

Беларусь Республикасининг 2015 йил 15 июлда қабул қилинган «Коррупцияга қарши кураш тўғрисида»[16] ги қонунчилигида ҳам, Россия Федерациясининг 2008 йил 25 декабрда қабул қилинган «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»[17] ги Федерал қонунида ҳам коррупция билан боғлиқ хуқуқбузарликлар таснифи келтирилганлигини кўришимиз мумкин.

Лут С.С. фикрича коррупциянинг бир қатор доктринавий таърифларида фақатгина мансабдор шахслар коррупцион жиноятлар субъектлари қаторига киритилганлиги ҳақиқатга тўғри келмайди, чунки бундай қарашлар коррупциянинг асосий таркибий қисмларидан бири бўлмиш пора беришни коррупция сифатида истисно қилишига сабаб бўлади[18].

Хуллас, коррупция атамасига берилган таърифлар, қолаверса, олимларнинг коррупцион жиноятлар ва уларнинг белгилари борасидаги фикрларини умумлаштирган ҳолда қуйидагилар коррупцияон жиноятларнинг умумий белгилари, деган хулосага келдик:

- махсус субъект - мансабдор шахснинг мавжудлиги (пора беришда - фуқаролар);
- мансаб лавозими ва тегишили ваколатларнинг мавжудлиги;
- моддий ёки номоддий манфаатнинг мавжудлиги;



- ғаразгўйлик ёки бошқа манфаатдорликнинг мавжудлиги;
- ҳаракат ёки ҳаракатсизлик;
- латентлик.

Юқорида билдирилган фикрлар ҳамда хорижий давлатлар қонунчилиги таҳлили асосида Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январда қабул қилинган «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонунининг 3-моддасида белгиланган асосий тушунчаларга муаллиф томонидан қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш таклиф этилади:

Коррупция – мансабдор шахс ёки хизматчининг жамият ва давлатнинг қонуний манфаатларига зид равишда ўзининг мансаб лавозимидан ноқонуний фойдаланиб ўз мансаб ёки хизмат мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги эвазига шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш.

Коррупцион ҳуқуқбузарликлар:

- ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш;
- жиноий йўл билан топилган мулкни олиш ёки ўтказиш;
- солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш;
- тижоратдаги порахўрлик (тижоратда пора эвазига оғдириб олиш);

- нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилотининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш;

- нодавлат тижорат ташкилотида ёки бошқа нодавлат ташкилотида мансабдор шахслар томонидан ўз ваколатларини суистеъмол қилиш;

- ҳокимият ёки мансаб ваколатини суистеъмол қилиш;

- ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш;

- ҳокимият ҳаракатсизлиги;

- порахўрлик (пора олиш, пора бериш, пора олиш-беришда воситачилик қилиш);

- давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш;

- давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисининг қонунга хилоф равишда моддий қимматликлар олиши ёки мулкий манфаатдор бўлиши;

- товламачилик ёки мансабдор шахс ёхуд хизматчи томонидан ўз хизмат мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги эвазига ўзи учун ёхуд учинчи шахслар учун мулк ёки иш, хизмат, ҳомийлик, имтиёзларни ваъда қилинишини талаб қилиш ёхуд мулкка бўлган ҳуқуқни беришга мажбур қиладиган шароитга солиб қўйиш.

## References:

1. Коррупция: глоссарий международных стандартов в области уголовного права - isbn 9789264032491 - © oecd 2007



2. Corruption Perceptions Index 2018: Statistically significant changes. 2018\_CPI\_Statistically Significant Changes
3. <https://gtmarket.ru/ratings/corruption-perceptions-index>
4. <https://daryo.uz/k/2019/05/04/>
5. Словари и энциклопедии на Академике [электронный ресурс]. URL: <http://dic.academic.ru/dic.nsf/latphil/96> (дата обращения: 22.02.2015).
6. Английский по Skype [электронный ресурс]. URL: <http://dic.your-english.ru/word/corruption> (дата обращения: 22.02.2015).
7. Кодекс поведения должностных лиц по поддержанию правопорядка (Принят резолюцией Генеральной Ассамблеи от 17 декабря 1979 г.).
8. Конвенция Организации Объединенных Наций против коррупции (Принята резолюцией Генеральной Ассамблеи от 31 октября 2003 г.).
9. "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2017 йил 9 январь, 1-сон, 2-модда
10. Криминология / Под ред. А.И. Долговой. – М.: ИНФРА-М, 1997. – С. 68.
11. Криминология / Под ред. Н.Ф. Кузнецовой, Г.М. Миньковского. – М.: МГУ, 1994. – С. 58.
12. Абдурасулова Қ., Қурбонов О. Коррупция: Асосий тушунча ва шакллари (рисола). – Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2009. – Б. 60
13. Korruptsiyaga oid huquqbuzarliklar profilaktikasi: O'quv qo'llanma / I. Ismailov, J. S. Muxtorov, S. B. Xo'jaqulov; mas'ul muharrir Y.f.d., prof. Q. R. Abdurasulova. – Т.: O'zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2017. – 51 b.
14. Газимзянов Р.Р. Коррупционная преступность в Республике Татарстан на рубеже веков (криминологическое исследование) автор.дис. на соис.уч.степ.канд.юрид.наук. Нижний Новгород – 2005, 32 стр.
15. Абдурасулова Қ., Қурбонов О. Коррупция: Асосий тушунча ва шакллари. – Т.: «Фалсафа ва ҳуқуқ институти», 2009.
16. [https://kodeksy-by.com/zakon\\_rb\\_o\\_borbe\\_s\\_korruptsiej.htm](https://kodeksy-by.com/zakon_rb_o_borbe_s_korruptsiej.htm)
17. [http://www.consultant.ru/document/cons\\_doc\\_LAW\\_82959/](http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_82959/)
18. Дача взятки: уголовно-правовое и криминологическое исследование. Авто.дис. на соискание ченой степени кандидата юридических наукученой степени кандидата юридических наук ученой степени кандидата юридических наук. Москва 2011.